



## БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БИЛИМ ОЛИШГА ТАЙЁРЛАШ

**Ф. А. Раҳматова, Ph.D**

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика университети "Педагогика таълими назарияси" кафедраси мудири, доцент

**И. Х. Тўрақулова**

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика университети "Педагогика ва психология" факультети декани п.ф.н., доцент

**Аннотация:** Ушбу мақолада бўлажак мутахассиснинг мустақил фикрлай олиш қамрови, таълимнинг интеллектуаллашиши, мустақил фикрлашга йўналтиришнинг дидактик асослари, билим олишнинг интеллектуал тизим асосида фаолият юртишда ҳам мустақил мутолаанинг аҳамияти масалалари борасида сўз юритилган.

**Калим сўзлар:** ютуқлар, муҳим дидактик асослар, таълим амалиётида, интеллектуал салоҳият, саволлар, топшириқлар, машқлар, мисоллар, масалалар, мақсад ва вазифалар, танлаган воситалар ва тажриба, илм-фан янгиликлари ва техника-технологиялар.

Асосий мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ўқитувчидан ўз соҳаси бўйича катта интеллектуал салоҳият ҳамда педагогик маҳорат талаб қилинади ва бундай имкониятлар асосида бўлажак мутахассисларни мустақил таълим олишга, мустақил мутолаа қила олишга ҳамда лойиҳали таълим технологияларини ўзлаштиришга мобиллаштириш каби фаолият жараёнларини олиб бориш ўқитувчининг асосий вазифасига киради.

Бу асосий вазифалар тўғрисида қисқача қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин:

**I. Мустақил таълим** –бу ўқув шаклини амалга ошириш учун энг аввало, бўлажак мутахассиснинг мустақил фикрлай олиш қамровини ва ўқув материалининг улар интеллектуал салоҳиятига мослиги асосий эътиборда бўлиш керак. Бунда ҳар қандай фанда бўладиган асосий дидактик ашёлар, яъни матнлар, саволлар, топшириқлар, машқлар, мисоллар, масалалардан самарали ва мақсадли фойдаланиш ўқитувчида олдиндан лойиҳаланган бўлиш ва уларни амалиётга жорий этишга йўриқнома ва кўрсатмалар тайёрланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бу муҳим жиҳатлар таълимнинг интеллектуаллашишига қараб янада ривожланиб такомиллаланиб бораверади ва табиийки, унга мос мустақил фикрлаш даражаси ҳам мукаммаллашиб бораверади.

Ушбу соҳада олиб борган кўзатишларимиз ва изланишларимиз натижаларига асосланиб, бўлажак мутахассисларнинг фикрлашини қуйидаги икки йўналишга ажратдик:

1. Таълим йўналиши бўйича дарсликлардаги муаллифлар фикрлари ва шу фан бўйича профессор-ўқитувчи лойиҳалаштирилган кўрсатмалари асосий эътиборда бўлади.
2. Бўлажак мутахассисларни мустақил фикрлашга йўналтиришнинг қуйидаги дидактик асослари асосий эътиборда бўлади: мавзуга оид илм-фан ва техника ютуқларига оид илғор фикрлар; мавзуни ўрганишга оид инновацион метод ёки технологиялар; мавзуга оид хулосавий фикрлар; амалий ишланмалар; таълим олувчининг мавзуни ўрганишга



оид шахсий онгли муносабати ҳамда илмий фикрлашга оид қобилиятлари қамрови ва шу кабилар.

Бу қайд этилган мустақил фикрлашга оид иккала йўналиш бўлажак мутахассисни мустақил таълим олишга ўргатишда муҳим дидактик асослар бўла олади.

Куйида мустақил таълимга берилган таърифни келтирамиз: “**Мустақил таълим** –бу инсоннинг ўзи танлаган воситалар ва тажрибасини, фан ва техника ютуқларини ўрганишга йўналтирилган шахсий ҳаракатлар жараёни. Бунда инсоннинг ички дунёси, ҳис-туйғулари, мустақил фикрлаш қобилияти асосий роль ўйнайди” [13].

Демак, мустақил таълим деганда қаралаётган таълим йўналиши (фан, мавзу, тушунча ва шу кабилар) бўйича қўшимча манбалар (илм-фан янгиликлари ва техника-технологиялар ютуқлар) негизида олинган билим, кўникма ва малакаларни мустақамлаш мақсадидаги таълим йўналиши тушунилар экан.

## **II. Мустақил мутолаа.**

Бўлажак мутахассисларнинг “талаба-дарслик-ўқитувчи” таълим парадигмасида ҳам, билим олишнинг интеллектуал тизим асосида фаолият юртишда ҳам мустақил мутолаанинг аҳамияти катта.

Умуман олганда мустақил мутолаа ўқитувчининг ҳам, бўлажак мутахассисларнинг ҳам мустақил таълим олиш, ўрганиш, мавжуд билимини янада ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятидир.

Бундаги бўлажак мутахассиснинг касбий билим, кўникма ва малакаларини эгаллашида, уларни янада мукамаллаштиришга оид касбий маҳоратини юксалтириш, чуқурлаштириш, мукамаллаштириш мақсадида дидактиканинг турли шакллари, усуллари, воситаларидан фойдаланиш орқали инновацияларни, яъни янгиликларни ўқиб, ўрганиб, билим ортириш учун қилган мақсадли илмий меҳнати **мустақил мутолаанинг мазмун-моҳиятини** ифодалайди.

Шу сабали ҳам мустақил мутолаа ҳар қандай касб эгасининг ва унинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириши барча замонларда долзарб бўлган ақлий-ижодий фаолият бўлиб қолаверади.

## **III. Лойиҳали таълим технологияси.**

Маълумки, лойиҳа ўқув мақсадига эришишдаги таълим олувчининг мустақил ишлаши, фикр юритиши, ўзи ўзлаштираётган олишини таъминловчи (кафолатовчи) методлардан бири. Айниқса, интерфаолликни лойиҳа асосида ташкил этиш ҳозирда энг фаол, юқори самара берувчи метод сифатида қаралмоқда. Шу сабали, таълим-тарбия жараёнларига ҳам лойиҳалаш ишлари жадал суръатлар билан кириб келмоқда. Айниқса, бу кредит-модуль тизимида, билим олишнинг интеллектуал тизимида, “талаба-дарслик-ўқитувчи” таълим парадигмаларида асосий дидактик бирликларни ташкил этмоқда.

Ҳозирда лойиҳаш орқали таълимнинг мазмуний қисмини ишлаб чиқиш, таълимнинг умумий ва аниқ мақсадларини асослаш, ўқитиладиган фанлар бўйича мажмуани аниқлаш, ҳар бир фаннинг зарурий мазмуни, педмети, мақсади ва вазифаларини аниқлаш каби масалалар ҳал қилинмоқда. Замонавий педагогикада эса бундай ташкилий-тузилмавий кўринишга эга бўлган мантикий кетма-кетликни технологиялаштириш тобора устуворлик касб этмоқда. Шу сабабли ҳозирда таълим-тарбия жараёнларини лойиҳали таълим технологиялари асосида олиб бориш тобора долзарблик касб этмоқда. Бу борада лойиҳали



таълим технологиясини қуйидагича ифодалаш мумкин.

**Лойиҳа таълим технологияси** лойиҳалалаш тафаккури шаклланган бўлажак мутахассиснинг таълимга технологик ёндашувини амалга ошириш жараёни бўлиб, унинг **асосий мақсади** бўлажак мутахассисларда назарий билимларни ҳаётий вазифаларга нисбатан қўллаш кўникмаларини шакллантириш ҳамда унинг **асосий вазифалари** масъулиятни сезиш, ҳамкорликда қарор қабул қилиш, мустақил фикрлашни ривожлантириш, таълимдаги муаммоли вазиятларни рационал (оқилона) ҳал қилиш каби кўникма ва сифатларни шакллантиришдан иборат.

Юқорида қайд этилганлардан кўринадики, “талаба-дарслик-ўқитувчи” таълим парадигмаси, яъни билим олишнинг интеллектуал тизими нафақат таълим оловчига, балки ўқитувчига ҳам катта масъулият юклайди. Бунда ўқитувчидан ҳам қатор вазифаларни бажариш талаб қилинади. Уларни олиб борган изланишларимизга асосланиб қуйидаги кетма-кетликда ифодалаб олдик:

- ўқитувчи ўзига юклатилган дарс машғулотларини олиб боришнинг бошиданок ўзи ўқитадиган фаннинг мақсади, вазифалари, предмети ва унинг бўлажак мутахассисларни амалий-касбий фаолиятга тайёрлашдаги ўрни ҳамда аҳамияти тўғрисида таълим оловчиларга батафсил маълумот бериш керак;
- ўқитувчи ўзи дарс берадиган фан бўйича таълим оловчиларга бериладиган ўқув юктамаларини олдиндан лойиҳалаштириш малакасига эга бўлиши керак;
- ўқитувчи таълим оловчиларга берадиган ўқув юктамасини бажаришга ва улар бўйича назорат ишларини бажаришга оид кўрсатма ва тавсияларни тайёрлаб, уларни бўлажак мутахассисларга етказишни уддалай олиш керак;
- ўқитувчи таълим оловчиларга таълим берадиган мавзу бўйича мавзунини ўзлаштиришнинг бош ва асосий ғояларини алоҳида тақдим этиш (таъкидлаш) керак;
- ўқитувчи таълим оловчиларга билим бериш жараёнида уларнинг касбий-интеллектуал салоҳиятини ошириш ҳамда амалий-касбий малакаларини юксалтиришни ўйлаб фаолият юритиш керак;
- ўқитувчи ўз таълим оловчиларига ўрганилаётган фан (мавзу) бўйича илм-фан ва техника-технология ютуқлари ҳамда педагогик инновациялар бўйича маълумотлар базасини шакллантиришни ўргатишга доимо эътиборли бўлиши керак;
- ўқитувчи педагогларга хос касбий билим, кўникма, малака ва маҳоратини мунтазам равишда ошириб боришлик қобилиятига эга бўлиши, шунингдек, улардан амалиётда самарали фойдаланишга доимо ҳаракатда бўлишига эътиборли бўлиши керак;
- ўқитувчи ўзи таълим бераётган фан бўйича таълим оловчиларга ўқув юктамасини бергандан сўнг белгиланган режа асосида уларнинг ўзлаштириш натижаларини аниқлаш ва баҳолаш жараёнини пухта ўзлаштирган, яъни қатъий график асосида қабул қилишни уддалай олиши керак. Бу кредит-модуль тизимдаги ўзлаштириш натижалари бўйича таълим оловчиларнинг олган кредитларини топширишда ҳам жуда кўл келади;
- ўқитувчи таълим оловчиларнинг билим савиясини (интеллектуал салоҳиятини ва ўзлаштириш натижаларини) текшириш ва унинг ўқув дастурларини ўзлаштириш даражаларини аниқлаш ва баҳолашнинг одиллона ҳамда шаффоф усулларини пухта ўзлаштирган бўлиши керак ва шу қабилар. Бу қайд этилган вазифаларни бажара оладиган ўқитувчи олдида доимо қуйидагидек навбатчи саволларга тайёр бўлишлик



масъулияти ҳам туради:

- ўқитувчининг ўзида ўзи дарс берадиган фан бўйича концепция шаклланган бўлиши керак;
- концепция билан танишиш учун таълим олувчилар қандай фаолиятни амалга ошириш керак?
- дарс давомида таълим олувчилар нималарни кузатишлари ва ёзиб боришлари керак?
- таълим олувчиларга ўқув юкламасини бажариш бўйича қандай кўрсатма ва тавсиялар беришни қандай амалга ошириш керак ?
- таълим олувчиларга манбани ўрганиш бўйича маълумотларни қандай олиш ва уни ахборотга айлантиришни қандай ўргатиш?
- таълим олувчиларни мустақил ишлашга ва мустақил мутолаага қандай йўналтириши керак?
- таълим олувчиларни креатив фикрлашга ва инновацион ёндашув қилишга қандай йўналтириш керак ва шу қабилир.

Ушбу соҳада олиб борган изланишларимиз асосида самарали ечимларини қўлга киритишга еришдикю Эришилган натижалар Жиззах давлат педагогика институти “Бошланғич таълим факультети” да ташкил этилган “Фан ва таълим интеграцияси истиқболлари” номли минтақавий илмий семинар йиғилишларида муҳокамақилинди ва натижада қуйидагидек мавзулардаги илмий шаклланишлар, монографиялар тайёрланди: Бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг назарий-методологик асослари (Тўрақулов Х.А., Жабборов Н.С.); Цивилизацион педагогик тизимлар негизида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашнинг педагогик асослари(Тўрақулов Х.А., Бултаков С.Х.); Интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимлари негизида бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятга тайёрлаш(Тўрақулов Х.А., Тўрақулов О.Х., Ўрозбоев С.Э); Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув-билув фаолиятини юксалтиришнинг инновацион технологиялари (Тўрақулов Х.А., Тўрақулова И.Х., Осланова К.С.) ва шу қабилир.

Мазкур тадқиқотни олиб бориш давомида эришилган натижаларга асосланиб қуйидагидек **хулосаларни** ифодалашни мақсадга мувофиқ деб топдик.

- “талаба-дарслик-ўқитувчи” таълим парадигмаси билим олишнинг интеллектуал тизими бўйича фаолият юритишни талаб этади ва бу орақали бўлажак мутахассисларда ўз касбий фаолиятини эгаллаш бўйича янги билимларни ўзлаштириш ва уларни амалиётда фойдаланиш кўникмаларини самарали шакллантириш жараёни мақсадли амалига оширилади;
- таълим олувчиларга қандай ўқишни ўргатиш орқали уларнинг интеллектуал салоҳиятини, касбий билимдонлигини, манбалардан маълумот олиш ва уларни ахборотга айлантира олиш маданиятини шакллантиришларнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқишга эришиш мумкин бўлади. Бу эса бўлажак мутахассисларнинг ижтимоий билимдонлигининг шаклланишида муҳим дидактик асос бўлади;
- “талаба-дарслик-ўқитувчи” таълим парадигмасида таълим олувчида ўрганилаётган манба (фан, мавзу, қонун, қоида ва ҳ.к.) бўйича онгли-ижодий муносабат шаклланади ва улар негизида бўлажак мутахассисдаги изланувчанлик қобилятлари ҳам мунтазам



равишда шаклланиб, такомиллашиб бораверади;

- “талаба-дарслик-ўқитувчи” таълим парадигмасида таълим олувчи ўз фаолиятини режалаштира олади ва унинг негизида бўлажак мутахассисда ўз ижодий-касбий фаолиятини илмий асосда ташкил этишга дидактик асос яратилади;
- “талаба-дарслик-ўқитувчи” таълим парадигмаси билим олишнинг интеллектуал тизимдан иборат бўлиб, у орқали тайёрланадиган бўлажак мутахассислар илмий-ижодий фаолиятга ҳам тайёр бўлади.

Билим олишнинг интеллектуал тизим негизида “талаба-дарслик-ўқитувчи” таълим парадигмаси фақатгина бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашга тааллуқли бўлмасдан у барча йўналишдаги ўқитувчиларни тайёрлашга оид методологик (универсал характерга эга бўлган) ёндашувдан иборат. Шу сабабли мазкур методологиядан бошқа йўналишдаги мутахассислар тайёрлашда ҳам фойдаланишни тавсия этамиз. Фақатгина унда муаммонинг кўйилишини тадқиқот мақсади ва вазифасини, эътиборга олган ҳолда мазкур ёндашувни асосий ғоя сифатида қабул қилишга тўғри келади.

#### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Тўракулов Х.А., Тўракулов И.Х., Осланова К.С. Бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқув – билув фаолиятини юксалтиришнинг инновацион технологиялари. Монография. – Т: “Инновацион ривожланиш нашриёт” – матбаа уйи , 2020, 336 б.
2. Шарипов Ш.С ва бошқ. Билим олишнинг интеллектуал тизимларини ишлаб чиқиш назарияси ва амалиёти. – Т.: Фан, 2011, 206 б.
3. Ўринов В. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модуль тизими: асосий тушунчалар ва қоидалар.–Т., 2020. 62 б.
4. Артюхина М.С. Интеллектуальное воспитание обучающихся в контексте интерактивных технологий обучения // Педагогика и просвещение. – 2014. - №4. – С. 42-50.
5. Алишева А.Н. Интеллектуальные обучающие системы // Востник университета. – 2018. - №1. С 149-155.
6. Трёмбач В.М. Основные этапы создания интеллектуальных обучающих систем // Программные продукты и системы. 2012. - №3. – С. 147-151.
7. Тўракулов Х.А., Тўракулов О.Х., Ўразбоев С.Э. Интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимлари негизида бўлажак ўқитувчиларни интеллектуал фаолиятга тайёрлаш. Монография. – Т: “Инновацион ривожланиш нашриёт” – матбаа уйи , 2020, 224 б.
8. Тўракулов Х.А., Жабборов Н.С. Бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашнинг назарий методологик асослари. Монография. – Т: Fan va texnologiya, 2019, 152 б.